

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРГА ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА № 555**

Қарши шаҳри

«28» 01 2022

йил.

Қарши шаҳар электр тармоқлари, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи К.Рахмонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Маблағ ол Қарши шаҳар электр тармоқлари (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Истеъмолчи Н. П (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг

1- иловасида белгиланган қувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.

1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қелишилган ҳолда шартнома суммасига узғартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми _____ кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

а) «Таъминотчи»дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)

б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;

в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта таксимланишини «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда «Истеъмолчи» уз хохишига қура;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ҳақини тулашни рад этишга

г) «Таъминотчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг «Таъминотчи» билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утқазилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш;

в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида «Таъминотчи»га ҳабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимида риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ;

д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. «Таъминотчи» нинг ҳуқуқлари:

а) «Истеъмолчи»дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр

3.4. «Истеъмолчи»нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол килинганда туланган аванс маблаглари кайтарилмайди, балки истеъмол килинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. «Истеъмолчи» хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аникланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот «Таъминотчи»га _____ гача муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори «Истеъмолчи» билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аникланади ва тўлов учун «Истеъмолчи»га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га хисоб-фактура ёзиб беради.

Хар хил тариф гуруҳига таалукли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари бўйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Кисман (тулик хажмда эмас) ҳақ туланганда, «Истеъмолчи» тулов ҳужжатида қайси тариф гуруҳлари бўйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс холда, «Таъминотчи» тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли ҳақида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли ҳажми бўйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси бўйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблаглар кайтарилмасдан аванс тулови тариқасида хисобга олинади.

3.8. «Истеъмолчи» томонидан тегишли ойга ётказиб берилиши қузда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг _____ фоизидан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда ётказиб берилади. Кичик ва урта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси кийматининг 100 фоизи микдорида олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Яқуний хисоб-китоб эса _____ кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. «Истеъмолчи» да электр энергияси учун _____ кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тариқасида туланган маблаглар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тулови тариқасида хисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» бир неча тариф гуруҳига эга булса, у олдиндан тулов ҳужжатида тариф гуруҳи бўйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, «Таъминотчи» тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.9. Узил-кесил хисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган «Истеъмолчи»лар бундан мустасно). Бир вақтининг ўзида, «Таъминотчи» электр энергияси ётказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган холда хизмат кўрсатувчи банк орқали хисобот ойида ётказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Электр энергиясини ётказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва хажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

«Таъминотчи» буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини ётказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йўл қуйилади.

5.2. «Истеъмолчи» билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ унта дархол хабар берган холда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга «Таъминотчи» тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган холларда йўл қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси хажми кийматининг камида 30 фоизини олдиндан туламаганда;
хисоб-китоб оyi тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол килинган электр энергияси учун туланмаган карзи мавжуд булганда;

«Истеъмолчи» электр энергияси тармогига узбошимчалик билан уланганда ёки кувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

«Узстандарт» агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол килинадиган энергияни хисобга олиш приборларига эга булмаганда;

«Таъминотчи»нинг вакили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида хисоблаш приборларини куришга асоссиз куйилмаганда, «Таъминотчи» электр энергияси беришни тухтатиб куйиш хукукига эга булади.

5.4.»Истеъмолчи»да хисобга олиш прибори булмаганда;
хисобга олиш прибори «Истеъмолчи»нинг айби билан шикастланганда;
хисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки хисоблагичдан ташкари нарузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун как белгиланган муддатларда туланмаганда «Истеъмолчи» 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармогидан узиб куйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб куйиш техноген ва авария окибатларига олиб келиши мумкин булган, алохида хавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб килиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги 511-сон Карор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган карзлари вужудга келган тақдирда хаки туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб куйиш эса факат суд карорига кура амалга оширилиши мумкин. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий кисми хисобланади. (7-йловага мувофик)

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан куп микдорда электр энергияси етказиб берилмаган холларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши «Таъминотчи»ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси хакини уз вақтида туламагани учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3.»Истеъмолчи»нинг таклифига кура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортикча олиш деб хисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошка масалалар Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, коидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хам хақлидир.

7.2.Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулудда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Мазкур шартномага узгартиришлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2. Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан хакикий хисобланади.

9.3. Ушбу шартнома иккала томонлама имзоланиб худудий Ғазначилик бўлинмасида руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киритилиб, руйхатдан утказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг "31" XII гача амал килади.

4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

Х. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхалари тенг юридик қучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминловчи»

«Истеъмолчи»

Қарши шаҳар электр тармоқлари

(ижрочининг номи)

манзили Қарши шаҳри

Туркистон кўчаси 58 ўй

тел\факс 225-40-45

х\р 22636000900177786343

банк номи Узсаноатқурилиш банк

МФО 00854 ИНН 200666494

ОКОНХ 00854 Ҳазначилик бўлинмаси номи

Бюджет маблағларини олувчи номи

манзили Қарши шаҳри

Облаёт м.ш. буғи 33ўй

тел\факс 221-19-87

ш\р 111218600010432018202

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201122919

ОКОНХ 4183

Молия вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в 23402000300100001010

МФО 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар: К.Раҳимов
(Ф.И.Ш.)

(имзо)



М.Ў.



(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Хуқуқшунос хулосаси:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси ва 29.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабларига тулик жавоб беради.

Хуқуқий маслаҳатчи: Н.Ревшанова

(имзо)

(Ф.И.О.)

«28» 01 2022 йил.